

## 11-МОДУЛЬ. САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

### 11.1.Илова

#### Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

**Юридик жавобгарлик деганда** – ҳуқуқ нормалари талабларини бузувчи субъектларга нисбатан махсус ваколатли давлат органлари томонидан қонунларда кўзда тутилган давлат-мажбурлов чораларининг қўлланилиши тушунилади.

Сайловга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 8 та модда ўз ифодасини топди.

#### **МЖТК**

**✧ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш (51<sup>2</sup>-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш, —

*мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

#### **МЖТК**

**✧ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик (51<sup>3</sup>-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, —

*мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

#### **МЖТК**

**✧ Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш (51<sup>4</sup>-модда)**

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, —

*мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

## **МЖТК**

### **✧ Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш (51<sup>5</sup>-модда).**

Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш, —

*энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

## **МЖТК**

### **✧ Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш (51<sup>6</sup>-модда)**

Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш, —

*фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

## **МЖТК**

### **✧ Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш (51<sup>7</sup>-модда)**

Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, —

*энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

## **МЖТК**

### **✧ Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш (51<sup>8</sup>-модда)**

Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, —

*фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

## **МЖТК**

### **✧ Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш (51<sup>9</sup>-модда)**

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш, —

*мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

## 11.2.Илова

### Сайлов ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик

Сайлов қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади.

Сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146 ва 147-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишга оид нормалар белгилаб қўйилган.

#### ЖК

#### ✦ Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (146-модда)

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш —

*энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

#### ЖК

#### ✦ Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (147-модда)

Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш —

*тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишни расмийлаштириш **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 934-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш бўйича йўриқнома** асосида амалга оширилади.

**АМАЛИЙ ВАЗИЯТЛАР БЎЙИЧА КАЗУСЛАР**

**11-модуль. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик  
учун жавобгарлик**

**1-казус**

Овоз бериш тугганидан кейин участка сайлов комиссияси раиси томонидан олдиндан овоз берилганларнинг сейфда сақланган бюллетенларнинг конвертга солинмаганлиги маълум бўлиб қолди. Сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари жавобгарликка тортиш учун асос бўла оладими?

**Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**2-казус**

Сайлов куни эрталаб сайлов участкасига туман ҳокими келиб сайлов ўтказувчи комиссиясининг раисига ва аъзоларига мен айтган номзодни ёқлаб овоз беришлари учун барча сайловчиларга етказиш кераклигини огоҳлантиради. Лекин сайлов участкаси раиси бу масала қонунга зид ва бундай ишларни қилиш қийин эканлигини айтади. Туман ҳокими сайлов ўтказувчи комиссиясининг раисига бу масалани ҳал қилиш кераклиги тўғрисида яна бир бор топшириқ беради.

**Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**3-казус**

Сайлов куни номзоднинг ишончли вакили сайлов участкасига бориб, ўзининг номзоди бўйича сайлов ташвиқотини амалга ошира бошлайди. Аммо, участка сайлов комиссияси раиси бундан хабар топади ва бу қонунга зид эканлигини айтиб, уни жавобгарликка тортиш учун унинг устидан баённома тузади.

**Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**4-казус**

Шу йилнинг 22 ноябрь куни фуқаро А тунда маст ҳолда бўлиб, тумандаги сайлов ўтказиш жараёнида илинган ташвиқот материалларини ва номзодлар тўғрисидаги маълумотларни йиртиб ташлайди. Уни кўрган участка сайлов комиссияси раиси дарҳол фуқаро А ни ушлаб олади ва унга тушунтиради, аммо фуқаро А тушунмайди ва ҳаракатини давом эттираверади.

**Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**5-казус**

Шу йилнинг 12 декабрь куни Р исмли шахс ўзининг участкасида қўйилган Л исмли номзод тўғрисида ёзилган маълумотлар нотўғри эканлигини айтиб номзод тўғрисида ёлғон маълумотларни барча маҳаллага ва интернет орқали тарқатиб ташлайди.

**Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**6-казус**

Сайлов куни участка сайлов комиссияси аъзоларининг бирига қўшниси А исмли шахс келиб менинг оила аъзоларим сайловга кела олмаслигини рўқач қилиб менга бешта бюллетень беришни ва ўзи овозни амалга ошириши учун ёрдам беришни сўрайди. Комиссия аъзоларининг бири унга бешта бюллетенни берган пайтда кузатувчилар томонидан эътироз билдиради ва унга жавобгарлик борлигини огоҳлантиради.

**Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**7-казус**

Сайлов куни сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод атайлаб бошқа сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилди. Бундан хабар топган участка сайлов комиссияси раиси номзоднинг бундай ҳаракат қилиши тўғри эмаслиги ва бу ҳақда тегишли округ сайлов участкасига хабардор этишини маълум қилади.

**Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**8-казус**

Сайлов очилиш тўғрисидаги ахборотни участка сайлов комиссияси раиси ёдтан чиқариб, бир соат кечикиб тахминан соат 9:00да округ сайлов комиссиясига ахборот берди.

**Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**

**11.4.Илова**

### **ЎЗИНИ ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР**

#### **11-модуль. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш деганда нимани тушунасиз?

---

---

---

1. Сайловни ташкил қилиш тартибини бузиш деганда нимани тушунасиз?

---

---

2. Овоз беришнинг яширинлигини бузиш деганда нимани тушунасиз?

---

---

4. Сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш деганда нимани тушунасиз?.

---

---

5. Сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш деганда нимани тушунасиз?

---

---

6. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, қузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш тўғрисида тушунча беринг

---

---

7. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш деганда нимани тушунасиз?

---

---

8. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш деганда нимани тушунасиз?

---

---

9. Сайловчилар сайловга келмаса унинг учун участка сайлов комиссияси раисини жавобгарликка тортилишига асос бўла оладими?

---

---

10. Ишончли вакил – бу .....

---

---

**ОЛИНГАН БИЛИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН  
НАЗОРАТ ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Юридик жавобгарлик тушунчасига тўлиқ таърифни топинг.**

А) ҳуқуқ нормалари талабларини бузувчи субъектларга нисбатан махсус ваколатли давлат органлари томонидан қонунларда кўзда тутилган давлат-мажбурлов чораларининг қўлланилиши тушунилади

В) ҳуқуқ нормалари талабларини бузувчи субъектларга нисбатан мажбурлов тушунилади

С) ваколатли давлат органлари томонидан мажбурлов тушунилади

Д) давлат мажбурлов чораси тизимидир

**2. Сайловолди тарғибот олиб боришга тўсқинлик қилиш деганда нимани тушунасиз?**

А) депутатликка номзоднинг сайлов куни сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга тўсқинлик қилиши тушунилади;

В) депутатликка номзоднинг қонунда белгиланган тартибда ўзининг келгуси фаолият дастури моҳиятини тушунтириш юзасидан сайловчиларнинг йиғилишларини ва сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишга тўсқинлик қилиши тушунилади;

С) сайловчиларга тўсқинлик қилиш тушунилади;

Д) сайловчиларнинг йиғилишларини олиб бориш тушунилади.

**3. Сайловчиларни оғдириб олиш тушунчасига тўлиқ таърифни топинг.**

А) айбдор шахслар учун зарур бўлган ҳаракатларни бажариш учун кўндириш тушунилади;

В) пул, моддий қимматликлар, хизматлар эвазига оғдириш тушунилади;

С) пул, моддий қимматликлар, хизматлар ҳамда моддий хусусиятга эга бўлмаган манфаатлар эвазига жабрланувчини айбдор шахслар учун зарур бўлган ҳаракатларни бажариш учун кўндириш билан боғлиқ ҳар қандай қилмишлар тушунилади.

Д) сайловчиларга катта нарсалар ваъда бериш тушунилади.

**4. Овоз беришнинг яширинлиги тушунчасига тўлиқ таърифни топинг.**

А) фақатгина овоз беришнинг яширинлигини таъминловчи шароитни бузиш тушунилади;

В) овоз беришнинг яширинлигини таъминловчи шароитни бузиш ёки сайловчиларнинг эркин хоҳиш билдиришларини назорат қилиш тушунилади.

С) фақатгина сайловчиларнинг эркин хоҳиш билдиришларини назорат қилиш тушунилади;

D) сайловчиларни яширин овоз бериш хонасигача бўлган вақтда ўзига оғдириш тушундади.

**5. Сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш тушунчасига тўлиқ таърифни топинг.**

- A) фақатгина ҳужжат мазмунини ўзгартириш тушунилади;
- B) фақатгина ҳақиқатга тўғри келмайдиган нотўғри маълумотлар киритиш тушунилади;
- C) уларга ҳақиқатга тўғри келмайдиган нотўғри маълумотлар киритиш, ҳақиқий ҳужжат мазмунини ўзгартириш, матн қисмига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш, нотўғри мазмунга эга бўлган янги ҳужжат тайёрлаш тушунилади.
- D) фақатгина нотўғри мазмунга ўзгартириш тушунилади.

**6. Сайловни ташкил қилиш тартибини бузиш деганда нимани тушунаси?**

- A) сайлов ўтказилишини назорат қилади;
- B) сайлов жараёнига тўсқинлик қилиш тушунилади;
- C) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузган ҳолда сайлов ўтказилиши тушунилади.
- D) сайловни атайлаб ўтказмаслик.

**7. Сайлов участкасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилган пайтда участка сайлов комиссияси раиси қандай юридик ҳужжат тузиши мумкин?**

- A) баённома;
- B) далолатнома;
- C) буйруқ;
- D) фармойиш;

**8. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш деганга тўлиқ таърифни топинг.**

- A) сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш тушунилади;
- B) сайловолди ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод томонидан бузиш тушунилади;
- C) сайловолди ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини ишончли вакил томонидан бузиш тушунилади;
- D) сайловолди ташвиқот олиб бориш тартибини бузиш тушунилади;



**9. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш ҳуқуқбузарлиги таърифи тўлиқ ёритиб берилган жавобни топинг?**

- A) сайлов натижаларига таъсир кўрсатишда намаён бўлади;
- B) атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш;
- C) сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш;
- D) ёлғон маълумотларни тарқатиш

**10. Сайлов жараёнларида бюллетенни қалбаклаштириш қандай жавобгарликга сабаб бўлади.**

- A) маъмурий жавобгарлик;
- B) жиноий жавобгарлик;
- C) интизомий жавобгарлик;
- D) жавобгарлик белгиланмаган.

**11.6.Илова**

## **ГЛОССАРИЙ**

**Юридик жавобгарлик** – ҳуқуқ нормалари талабларини бузувчи субъектларга нисбатан махсус ваколатли давлат органлари томонидан қонунларда кўзда тутилган давлат-мажбурлов чораларининг қўлланилиши тушунилади.

**Мажбурлов** – бўйсунувчи субъектнинг иродасини рад этиш ва унинг хулқ-атвориغا ташқи таъсир кўрсатиш

**Мансабдор шахс** – мулк шаклидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган ҳамда раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган шахс.

**Маъмурий жавобгарлик** – маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

**Маъмурий жазо** – жавобгарликка тортиш чораси, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик** – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга

тажовуз қилувчи ғайрихукукий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

**Сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш қуйидаги ҳолатларда кўринади:**

сайловчилар ҳақида била туриб нотўғри маълумотларни тақдим қилиш;  
сайловчилар рўйхатини била туриб нотўғри тузиш (вафот этган ёки сайлаш ҳукукига эга бўлмаган, умуман мавжуд бўлмаган ёхуд аввалдан ёлланган шахсларни киритишда ифодаланган);

сайловчилар рўйхатидаги сайловчиларнинг имзоларини қалбакилаштириш;

овозлар тўлиқ ҳисоблаб чиқилгунга қадар ёки овоз бериш вақти тугамагунга қадар сайлов натижалари ҳақидаги баённомани ваколатли шахслар томонидан имзолаш;

сайлов натижалари ҳақидаги баённомани била туриб нотўғри (сайлов натижаларига мувофиқ келмаган ҳолда) тузиш;

сайлов натижалари ҳақидаги баённома тўлдириб бўлинганидан сўнг, қонунга хилоф равишда ўзгартишлар киритиш.

**Сайловолди тарғибот олиб боришга тўсқинлик қилиш** - депутатликка номзоднинг қонунда белгиланган тартибда ўзининг келгуси фаолият дастури моҳиятини тушунтириш юзасидан сайловчиларнинг йиғилишларини ва сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишга тўсқинлик қилиши тушунилади.

**Зўрлик ишлатиш** - фуқаронинг сайлов ҳуқуқларини ёки ишончли вакил ваколатларини амалга оширишга уларнинг баданига енгил ёки ўртача оғирликдаги шикаст етказиш, уриш, дўппослаш ҳамда озодлигидан маҳрум қилиш тариқасида тўсқинлик қилиш тушунилади.

**Кўрқитиш** - жабрланувчининг сайлов ҳуқуқларини эркин ифода этишига қаршилик кўрсатишда ифодаланган ҳар қандай кўринишда руҳий тазйиқ ўтказилиши тушунилади.

**Алдаш** - ҳақиқатни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш билан сайловчининг сайловда ёкида қатнаша олмаслик, фуқароларнинг депутатликка сайланиш бўйича номзодини кўрсата олмаслик ҳамда номзод шахсинг ишончли вакилларини ўз ваколатларини амалга ошира олмаслигига олиб келувчи ҳар қандай кўринишда ифодаланган чалғитиш тушунилади.

**Оғдириб олиш** - пул, моддий қимматликлар, хизматлар ҳамда моддий хусусиятга эга бўлмаган манфаатлар (хизмат бўйича муддатдан олдин унвон ёки лавозим таклиф қилиш) эвазига жабрланувчини айбдор шахслар учун зарур бўлган ҳаракатларни бажариш учун кўндириш билан боғлиқ ҳар қандай қилмишлар тушунилади.